

Япон йигити ватандошларига Исломдан таълим бермоқда



11:05 / 09.12.2021 1475

Туркияда истиқомат қилган япон олими Кайим Наоки Ямамото Истанбулдаги ватандош талабаларга Ислом дини асосларини ўргатмоқда. Бу ҳақда islam.ru нашри хабар берди. Халқаро диний конгресслардан бирида иштирок этиш учун Конияга ташриф буюрган Ямамото Анадолу нашрига Ислом дини билан танишлиги ҳақида гапириб берди.

32 ёшли японияликнинг сўзларига кўра, у Ислом динининг ахлоқий қадриятларидан ҳайратда қолган. Ямамото мусулмонлар хулқ-атворининг асосий меъёрларини ва Ислом тарихини ўрганиш мақсадида Туркияга келганини айтди. У аввал бу ердаги таълим марказида турк, араб ва форс тилларини, Қуръони Карим ва Ислом илмларини ўрганган.

«Ҳозир лойиҳа устида ишляяпман, унинг доирасида Туркияга келган японларга Ислом дини ва бу дин маданиятини ўргатаман. Улар турк, араб ва форс тилларини ҳам ўрганадилар. Биз Ислом зиёлиларини етиштиряпмиз, уларга билим олиш имкониятини яратяпмиз. Ҳозирда менинг 5 нафар янги мусулмон талабаларим бор. Биз мунтазам равишда шахсий сайтларда ва машғулот хонасида учрашамиз. Бундан ташқари, онлайн тренинглари ўтказмоқдамиз», дейди Ямамото.

Япониялик олим Японияга қайтгач, унинг шогирдлари келажакда ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланишини таъкидлади. «Талабаларим Японияда мусулмон дини асосларини ўргатадилар. Улар менинг ишимни уйда давом эттирадилар», дея қўшимча қилди агентлик манбаси.

Хуршид Маъруф тайёрлади